

**СИҚИЛГАН ТАБИЙЙ  
ГАЗ СОТИШ ШАРТНОМАСИ № 12**

Қизилтепа тумани

28 декабр 2021 йил

Қизилтепа тумани “Зарафшон автогаз” МЧЖ, кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади, номидан ўзининг устави асосида иш юритувчи директори Шодиев О. бир томондан ва “Навий сув таъминоти” МЧЖ, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи Ф. Ғафуров Қизилтепа иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.**

1.1. Сотувчи куйидаги маҳсулотни сотиш мажбуриятини, харидор эса ўз вақтида тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Суммаси
1	Сиқилган табиий газ (метан)	24 000 000

1.2. Маҳсулотни етказиш сотиб олувчига тегишли автомашина газ балонларига сотувчининг автомобилларга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ)да газ қуйиш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Сотиб олувчи автомашинасига газ қуйилган сана, маҳсулот етказиш санаси ҳисобланади.

**2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ**

2.1. Сиқилган табиий газ-метаннинг нархи ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатлар ўзгариши ва бозор иқтисодиёти асосида ўзгариб туради, тарафлар шартноманинг умумий суммасидан ошмаган ҳолда нархлар буйича ҳисоб-китобни амалга оширадилар. Сиқилган табиий газ-метаннинг нархи ва миқдори ўзгариб туриши инобатга олиниб, ҳужжатларда акс эттирилади.

2.2. Мазкур шартнома тузилган вақтдаги умумий сумма **24 000 000 ( йигирма тўрт миллион )** сўмни ташкил этади.

2.3. Газ олинган кундаги нарх бўйича тўлов амалга оширилади.

2.4. Сиқилган табиий газ-метан “Тарқатиш қайдномаси” асосида берилади.

2.5. Тарқатиш қайдномаси сотиб олувчи томонидан газ учун маблағ сотувчининг ҳисоб-рақамига 100 % ўтказилгандан сўнг ташкил этилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Сотиб олувчи газга қайта жиҳозланган автомашинадан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

а) амалдаги қоидаларга, техник ҳолатга, сиқилган газдан фойдаланиш бўйича йўриқномага тўлиқ амал қилиш.

б) автомашинанинг газ баллон ускунасини соз ҳолатда сақлаш.

в) газ баллоннинг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тўғрисида йўл варақасига белги қўйиш.

г) белгиланган тартибда автомашинага газ қуйиш учун тегишли органлардан махсус рухсатнома олиш.

д) маҳсулот олишдан олдин сотувчига электрон қуринишдаги ишончнома юбориш

е) сотувчи томонидан юборилган электрон ҳисоб-фактурани ўз вақтида тасдиқлаб, қабул қилиш ёки асосини кўрсатган ҳолда қабул қилмаслик.

3.3. Сотувчининг ҳуқуқлари:

а) автомашинанинг газ мосламаларини тўғри эксплуатация қилинаётганлигини назорат қилиш, ўлчов асбобларининг созлигини текшириш.

б) ҳайдовчининг газ билан ишловчи автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномасини текшириш.

в) сотиб олувчи белгиланган қоидаларга, газ қуйиш регламентига ва шартнома шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланганда, автомобилга газ қуйишни тўхтатиш.

3.4. Сотувчи ва сотиб олувчи газ ҳажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда қуйиши ва қабул қилиши тавсия этилади.

Сотиб олувчи газ истеъмоли давомида юзага келадиган келгуси ўзгаришлар хақида келаси ой бошланишидан 5 кун олдин сотувчига ёзма ҳолда ёки телефонограмма (факс) орқали маълум қилиши шарт.

Сотувчи АГТКШдаги ускуналарнинг навбатдаги жорий таъмирланишини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий жорий таъмирланишини амалга оширишдан 5 кун олдин сотиб олувчини огоҳлантиради.

**4. ГАЗ ҲИСОБИ**

4.1. Сотиб олувчига берилган газ миқдори тарқатиш қайдномаси бўйича аниқланади.

4.2. Сотувчи, сотиб олувчининг ДСИдаги электрон манзилига юборган ҳисоб-фактура суммаси газ ҳисоби ҳисобланади.

**5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**